



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

BOSHQARUV QARORI

Тошкент ш.

№ 36

2016 йил 16 февраль

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомни янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида “Кадрлар сиёсатини” изчил амалга ошириш, ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш, ходимлар ротациясини амалга ошириш, шунингдек Банк тизимини юқори малакали мутахассислар билан бутлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида,

БАНК БОШҚАРУВИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг янги тахрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бош Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодларнинг касбга мувофиқлигини баҳолаш комиссияси 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

3. Шу муносабат билан Банк Бошқарувининг 2010 йил 11 ноябрдаги 73/2-сонли қарор билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари Ж.Обиджонов ва Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи Т.Мамаджанов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бошқарув Раиси ўринбосари

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
департаменти директори

Юридик бошқарма бошлиғи

Ходимлар билан иш олиб бориш
бошқармаси бошлиғи

С. Ходжаев

Ж. Обиджонов

Ш. Якубов

О. Алмарданов

О. Вохидов

Б. Усманов

Т. Мамаджанов

“РҮЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Бошқарувининг
2016 йил “16” феврал даги
36 -сонли қарорига
1-илова сифатида



Бошқарув Раиси

С. Ходжаев

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш,
уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини
амалга ошириш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ (янги таҳрири)

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 1641, 2006 йил 14 ноябрь), “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель), “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Кадрлар сиёсати ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ишлаб чиқилган.

Ушбу ички меъёрий хужжат “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Бош банк номенклатураси таркибига кирадиган ходимларнинг ҳисобини юритиш Бош банк Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси (кейинги ўринларда – Ходимлар бошқармаси) томонидан амалга оширилади.

2. Банк тизимида номенклатура лавозимлари қуйидагиларга бўлинади:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Президент Девонининг номенклатураси таркибига кирувчи лавозимлар:

Банк Бошқаруви Раиси ва ўринбосарлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки номенклатураси таркибига кирувчи лавозимлар:

Банк Бошқаруви аъзолари:

филиаллар бошлиқ (бошқарувчи)лари ва бош бухгалтерлари;

Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси бошлиғи ва бош бухгалтери;
минтакавий филиаллар таркибида ташкил этилган Амалиёт бўлими бошлиғи
ва бош бухгалтери.

в) Бош банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимлар:

Бош банк ашпаратининг барча ходимлари Бош банк номенклатураси таркибига киради;

Филиаллар ва Бош банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси бўйича:

бошлик (бошқарувчи) ўринбосарлари;

бош бухгалтер ўринбосарлари;

бўлим бошлиқлари;

сектор мудирлари;

мини банк мудирлари;

касса мудирлари;

филиал ички назорат хизмати раҳбарлари.

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган лавозимлардан ташқари барча лавозимлар Банк филиаллари ва Бош банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси номенклатураси таркибига киради.

II. БАНК ТИЗИМИДА ХОДИМЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, ЛАВОЗИМЛАРГА ТАЙИНЛАШ, УЛАРГА МАЛАКА ТАЛАБЛАРИНИ ҚЎЙИШ ВА КАСБГА МУВОФИҚЛИГИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Президент Девонининг номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тайинланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки номенклатураси таркибига кирувчи лавозимлардаги номзодлар билан ишлаш, уларга малака талаблари қўйиш ва касбга мувофиқлигини аниқлаш "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом (рўйхат рақами: 1641, 2006 йил 14 ноябрь) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 25 апрелдаги 11/2-сонли қарори талаблари асосида амалга оширилади.

Ушбу лавозимларга номзодларнинг ҳужжатлари Бош банкда Банк Бошқаруви Раисининг буйруғига асосан тузилган "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг касбга мувофиқликни аниқлаш комиссияси (кейинги ўринларда – Банк комиссияси)нинг ҳулосасига кўра Марказий банкка тақдим этилади.

Номзод Марказий банкнинг "Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси" (кейинги ўринларда - Марказий банк комиссияси) суҳбатидан ўтганидан сўнг, амалдаги меҳнат қонунчилиги ва Банкнинг локал ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга қабул қилинади ёки лавозимга тайинланади.

6. Бош Банк номенклатураси таркибига кирувчи раҳбарлик лавозимларига тавсия этилган номзодларни танлаш, ишга қабул қилиш ёки юқори лавозимга тайинлашда маълумоти тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига мос келиши, яъни банк йўналиши бўйича олий иқтисодий маълумотга, тавсия этилаётган лавозимига кўра етарли иш тажрибасига эга эканлигига, раҳбарлик ва ходимларни

бошқара олиш қобилиятининг мавжудлигига эътибор берилиши лозим. Номзод бошқа банк тизимидан ишга қабул қилинаётган бўлса охириги иш жойидан ижобий тавсифномага (ташкилот раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган) эга бўлиши лозим.

Бунда менежмент, божхона иши, суғурта иши, пенсия иши, почта иши, касб таълимининг барча йўналишлари, қишлоқ хўжалиги иқтисоди, сув хўжалиги иқтисоди, қурилиш иқтисоди, баҳолаш иши, қимматли қоғозлар бозори, маркетинг (Тошкент молия институти ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг мазкур мутахассислиги бундан мустасно), солиқлар ва солиққа тортиш (бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимига тавсия этилган ҳолатлардан ташқари) ва шу каби мутахассисликларига эга бўлган номзодлар тавсия этилмаслигини инобатга олиш лозим.

7. Лавозимга тавсия этилаётган номзодлар қуйидагиларни билиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

Ўзбекистон Республикасининг банк фаолиятига оид қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг банк фаолиятига оид фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг банк фаолиятига оид қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари;

Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари;

тижорат банкларида корпоратив бошқарувни ташкил этиш асослари;

Банк баланси ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби;

ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш тартиби;

молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари, банкнинг ички кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;

пул муомаласи, касса амалиётлари, омонатларни қабул қилиш ва уларни бериш тартиби;

чет эл валютаси, қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш тартиби;

Республика банк тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти.

Юқоридаги талабларга жавоб берадиган номзод танлангандан сўнг, номзод Бош банкка Банк Бошқаруви қарори билан тузилган **“Бош Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодларнинг касбга мувофиқлигини баҳолаш комиссияси”** (кейинги ўринларда – Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси) суҳбатига чақирилади ва компьютерга ўрнатилган махсус дастур асосида тест синовидан (кейинги ўринларда – Тест синови) ўтказилади. Номзод топширган Тест синови ҳамда Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси томонидан ўтказилган суҳбат натижаларидан келиб чикиб, номзодни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш амалга оширилади.

8. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси Бош Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга тавсия этилаётган номзодларнинг касбга мувофиқлигини баҳоловчи коллегиал орган ҳисобланади. Касбга мувофиқликни баҳолашнинг асосий тамойиллари – очиклик, кенгашлилик ва ҳолисликдан иборат.

9. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси йиғилишининг вақти комиссия Раиси томонидан белгиланади. Комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана ва вақт номзодларга камида икки кун олдин Ходимлар билан иш олиб бошқармаси томонидан маълум қилинади.

10. Комиссия иш фаолиятида номзодларнинг билим ва малакаси, ишбилармонлиги, шахсий хатти-ҳаракатида тўғри иш юритганлиги, ўзаро яқин қариндош бўлган шахслар раҳбарлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида бирга ишламаслик ҳолатларига эътибор қаратади.

Комиссия мажлисига Комиссия Раиси бошчилик қилади. Комиссия Раиси йўқлигида Комиссия мажлисини унинг ўринбосари ўтказди. Комиссия мажлисларида унинг аъзолари шахсан қатнашишлари шарт. Агар Комиссия аъзолари узрли сабабларга кўра йиғилишда қатнаша олмаса, унинг ўрнига лавозими бўйича ўринбосари қатнашиши мумкин.

11. Комиссия йиғилиши ва қарорлари аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Комиссия қарори унда иштирок этган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолганда, Комиссия Раисининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

Комиссия ишини ташкил этиш Ходимлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

12. **Бош банк аппарати бўйича Бош банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга** номзодларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш номзодни Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатига чақиртирилмасдан, масъул Бошқарув Раиси ўринбосари, тегишли таркибий бўлинма бошлиғи ва Ходимлар бошқармаси билан келишилган ҳолда Бошқарув Раиси буйруғи асосида ишга қабул қилинади ёки лавозимга тайинланади. Бунда амалдаги меҳнат қонунчилиги ва Банкнинг локал ҳужжатлари асосида ишга қабул қилинишида талаб қилинадиган ҳужжатлар Ходимлар бошқармаси томонидан расмийлаштирилади.

13. **Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси бўйича Бош банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга** номзодларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Қуйи филиаллар томонидан Бош банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга тавсия қилинаётган номзодларнинг ҳужжатлари минтақавий филиалга кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим қилинади. Минтақавий филиаллар тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва лозим ҳолларда номзод минтақавий филиал бошлиғининг суҳбатидан ўтгандан сўнг, минтақавий филиал бошлиғининг тавсия хати билан Тест синови ҳамда Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатидан ўтиш учун Бош банкка юборилади.

Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси бўйича Бош банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга (бошлиқ (бошқарувчи) ўринбосарлари ва бош бухгалтер ўринбосарларидан ташқари) номзодларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашга тавсия этилаётган номзодларга тегишли бўлган қуйидаги ҳужжатлар Ходимлар бошқармасига тақдим этилиши лозим:

минтақавий филиал (Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси) бошлиғи томонидан Банк Бошқаруви Раиси номига ёзилган тавсия хати (“устоз-шогирд” анъанасини қўллаган ҳолда номзодга бириктирилган мураббий тўғрисидаги маълумот билан биргаликда);

номзоднинг белгиланган шаклдаги маълумотномаси;

олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом (ходим ишга янги қабул қилинган ҳолларда диплом иловаси) нусхаси;

олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида дипломнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи олий ўқув юрти томонидан берилган (герб рамзи туширилган муҳр билан тасдиқланган) маълумотнома;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган филиаллардан тавсия этилаётган ходимларнинг паспорт нусхаси (**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий пропискага қўйилганлиги тўғрисидаги белгиси билан**);

тегишли ИИБ томонидан номзод тўғрисида берилган (муддати бир йилгача бўлган ва герб рамзи туширилган муҳр билан тасдиқланган) маълумотнома.

Зарур ҳолларда номзодлардан амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган қўшимча ҳужжатлар талаб этилиши мумкин.

14. Мазкур ҳужжатлар Ходимлар бошқармаси томонидан мазкур Низомда ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқилиб, Бош банкнинг тегишли бошқарма, департаментлар билан келишилиши лозим.

Ходимлар бошқармаси ва Бош банкнинг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан номзод бўйича ижобий хулоса берилгандан сўнг, номзод Бош банкка Тест синов ва Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатидан ўтиш учун Ходимлар бошқармаси томонидан чақиртирилади.

15. Номзод Бош банкнинг Тест синовлари учун махсус жиҳозланган хонада Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссиясининг йиғилиши белгиланган кунда Тест синовидан ўтказилади. Тест синов натижаси махсус дастур орқали Тест синов яқунланганидан сўнг принтерда дарҳол чоп этилади ва Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссиясига тақдим этилади.

16. Тест синовининг саволлари қуйидаги тартибда махсус дастур орқали шакллантирилади:

жами саволларнинг 70 фоизи номзод тавсия этилаётган соҳа фаолиятдан;

жами саволларнинг 10 фоизи Банкнинг умумий фаолиятдан;

жами саволларнинг 20 фоизи Тест синовининг махсус дастури томонидан саволлар тўплами ичидан танланади.

17. Номзод Тест синовининг махсус дастури томонидан муваффақиятли ўтган деб топилган тақдирда Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатига таклиф этилади.

18. Номзоднинг билимлари Тест синов дастури орқали қуйидагича баҳоланади:

жами саволларнинг 86-100 фоизига тўғри жавоб берилганда – “Тест синов аъло баҳога топширилди;

жами саволларнинг 71-85 фоизига тўғри жавоб берилганда – “Тест синов яхши баҳога топширилди;

жами саволларнинг 55-70 фоизига тўғри жавоб берилганда – “Тест синов қониқарли баҳога топширилди;

жами саволларнинг 0-54 фоизига тўғри жавоб берилганда – “Тест синов муваффақиятсиз топширилди”.

19. Тест синов натижаси бўйича фақатгина “аъло”, “яхши” ва “қониқарли” баҳоларни эгаллаган номзод Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатига киритилади.

Тест синовини муваффақиятсиз топширган номзод Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатига киритилмасдан қайта тайёрланиш ва Тест синовидан такроран ўтиш учун икки ҳафта муддат берилади.

Такрорий Тест синовини ҳам муваффақиятсиз топширган номзоднинг ҳужжатлари филиалга қайтарилади.

20. Тест синовии ва Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбати натижаларига кўра тавсия этилган лавозимга мувофиқ деб топилган номзод амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга қабул қилинади ёки лавозимга тайинланади.

21. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси томонидан номзоднинг билим даражаси етарли эмас деб топилган тақдирда тайёрланиш ва қайта суҳбатдан ўтиш учун бир ойгача муддат белгиланиши мумкин.

22. Тавсия этилаётган лавозимга мувофиқ эмас деб топилган номзодлар ушбу лавозимларга тайинланиши мумкин эмас. Ушбу номзодлар Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатидан ўтган санадан камида уч ой ўтганидан сўнг қайта суҳбатга тавсия этилиши мумкин. Бунда, филиал раҳбари томонидан Банк Бошқаруви Раиси номига ёзилган тавсиянома, ходимнинг ўтган вақт мобайнида иш фаолияти самарадорлигининг натижалари, малакаси, назарий ва амалий билимларини оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, агар Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси томонидан дастлабки суҳбат давомида тавсиялар берилган бўлса, ушбу тавсияларнинг бажарилиши бўйича ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

23. Бош банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларда ишлаётган ходим бир филиал таркибидан бошқа филиал таркибидаги тенг лавозимга ўз йўналиши бўйича тавсия этилганда, ушбу ходимнинг ҳужжатлари Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатига таклиф этилмасдан, танишув варақасидан фойдаланилган ҳолда расмийлаштирилади.

24. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси номзоднинг лавозимга мувофиқлиги, унинг иш фаолияти, жумладан Банк (филиал)даги ишларининг самарадорлиги, шахсий ва ахлоқий фазилатлари, ишга бўлган муносабати, ижро интизоми, назарий ва касбий билимлари даражасини ҳар томонлама кўриб чиқиб, шунингдек Тест синовии ҳамда суҳбат натижаларига кўра тавсия этилган лавозимга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссиясининг хулосаси мажлис баёни ва унинг қарори билан расмийлаштирилади. Мазкур Комиссия номзодларга тегишли тавсияларни, жумладан, Бош банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари ва филиалларда малакасини ошириш, стажировка ўташ, маълум йўналишлар бўйича билимини янада чуқурлаштириш, “устоз-шогирд” анъанасини қўллаган ҳолда мураббийларга бириктириш каби тавсияларни бериш ҳуқуқига эга.

25. Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссиясининг тегишли хулосаси ва қарори билан Бош банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодларни ишга қабул қилиш, бошқа лавозимга ўтказиш Банк Бошқаруви Раиси буйруғи асосида амалга оширилиб, ушбу буйруқдан филиалларга кўчирма юборилади. Буйруқнинг асл нусхаси Бош банкда ўрнатилган тартибда сақланади.

Минтақавий филиаллар Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатидан ўтган номзодларга ушбу Комиссия томонидан берилган тавсияларнинг бажарилишини назорат қилади.

26. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган лавозимлардан ташқари - филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармасининг юридик хизмати ходимлари, бош, етакчи ва бошқа тонфадаги мутахассис лавозимларига номзодларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш, уларни Касбга мувофиқликни баҳолаш комиссияси суҳбатига таклиф этмасдан, банк фаолиятининг муайян йўналишига масъул бўлган Бошқарув Раиси ўринбосари,

тегишли таркибий бўлинмалар, Ходимлар бошқармаси, Юридик бошқарма ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти билан келишилган (сухбат варақасидан фойдаланилган) ҳолда амалга оширилади.

Номзодни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш учун филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

филиал (Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси) раҳбари томонидан Банк Бошқаруви Раиси номига ёзилган тавсия хати (“устоз-шогирд” аънарасини қўллаган ҳолат номзодга бириктирилган мураббий тўғрисидаги маълумот билан биргаликда);

номзоднинг белгиланган шаклдаги маълумотномаси (фотосурати билан);

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган филиаллардан тавсия этилаётган ходимларнинг паспорт нусхаси (**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ҳудудида доимий пропискага қўйилганлиги тўғрисидаги белгиси билан**);

олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида диплом ва унинг иловаси нусхаси;

олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисида дипломнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи олий ўқув юрти томонидан берилган (герб рамзи туширилган муҳр билан тасдиқланган) маълумотнома;

тегишли ИИБ томонидан номзод тўғрисида берилган маълумотнома (муддати бир йилдан ошмаган ва герб рамзи туширилган муҳр билан тасдиқланган);

Зарур ҳолларда номзодлардан амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган қўшимча ҳужжатлар талаб этилиши ёки номзод Бош банкка сухбатга чақирилиши мумкин.

27. Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси томонидан мазкур низомнинг 26-бандида келтирилган ҳужжатлар Ходимлар бошқармасига тўғридан-тўғри юборилади. Қуйи филиаллар томонидан эса номзодларнинг ҳужжатлари Ходимлар бошқармасига, нусхаси эса минтақавий филиалга юборилади.

28. Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодлар танлашда улар банк тизимидаги қуйидаги иш стажига эга бўлиши лозим:

Бош мутахассисга - 3 (уч) йилдан кам бўлмаган;

Етакчи мутахассисга - 2 (икки) йилдан кам бўлмаган;

1-тоифали мутахассисга - 1 (бир) йилдан кам бўлмаган;

2-тоифали мутахассис ва унга тенглаштирилган лавозимларга - стаж талаб этилмайди.

Истисно тариқасида банк фаолиятининг ривожланишида аниқ кўрсаткичларга эришган, шунингдек иқтисодий самарадорликни ошириш, умидсиз кредитларни қайтариш, ахборот технологиялари бўйича янги дастурларни яратишда ўз ҳиссасини қўшган номзодларни юқори лавозимга тайинлаш муддатлари алоҳида кўриб чиқилади.

29. Номзоднинг ҳужжатлари Бош банк томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилгандан сўнг, номзодни ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ёки рад этиш бўйича тегишли кўрсатма хат Банк Бошқаруви Раиси томонидан имзоланиб, филиал (Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси)га юборилади.

Бош банкнинг кўрсатма хати олингандан сўнг, ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлаш филиал (Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси) раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилади.

30. Филиаллар ва Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси Конверсион амалиётлар бўлимлари лавозим бирликларига (бўлим бошлиғидан ташқари)

номзодларни танлаб олиш ва уларнинг касбга мувофиқлигини аниқлаш минтақавий филиаллар (Банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси)да раҳбар буйруғи билан алоҳида тузиладиган (минтақавий филиал бошлиғи ўринбосари, бош бухгалтери,

ташқи иқтисодий фаолият бўлими, юридик ва ходимлар билан ишлаш хизмати ходимларидан иборат таркибда) Минтақавий филиал комиссияси суҳбатига чақирилган ҳолда, албатта, суҳбат натижаларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Суҳбатдан муваффақиятли ўтган номзодларнинг тегишли ҳужжатлари Бош банкка ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун юборилади.

Минтақавий филиал комиссияси томонидан номзодлар танлаб олинишида қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

номзодларнинг олий иқтисодий маълумотга эга бўлиши;

банк тизимида камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлиши;

эгаллаб турган лавозими бош мутахассис лавозимидан кам бўлмаслиги;

яшаш жойидан маълумотнома ва охириги иш жойидан ижобий тавсифнома (илгари ишлаган бўлса) олганлиги;

тегишли ИИБ томонидан номзод тўғрисида берилган (муддати бир йилгача бўлган ва герб рамзи туширилган муҳр билан тасдиқланган) маълумотнома;

конверсион амалиётлар бўлимининг мажбуриятларини бажаришда банк соҳасини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етарли даражада билиши.

31. Қуйи филиалларнинг Конверсион амалиётлар бўлими лавозимларига тавсия қилинаётган номзодларнинг мазкур Низом 30-бандида келтирилган ҳужжатлари Минтақавий филиал комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилинади.

Ушбу ҳужжатлар минтақавий филиал Ходимлар билан ишлаш хизмати ва Конверсион амалиётлар бўлими томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг, тегишли ҳужжатлар Минтақавий филиал комиссиясига киритилади ва номзод суҳбатга таклиф этилади. Номзод Минтақавий филиал комиссияси суҳбатидан ўтганидан сўнг, унинг ҳужжатлари минтақавий филиал бошлиғининг тавсия хати билан кўриб чиқиш учун Бош банкка юборилади.

32. Банк тизимида ходимларни қуйи лавозимларга ўтказиш қуйидаги ҳолатларда Бош банкнинг рухсатисиз амалга оширилиши мумкин:

Банк тизимида ўтказилган ички аттестация комиссиясининг қарори билан эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган ходимга ўз йўналиши бўйича қуйи лавозим таклиф этилганда;

ёш ва малакали ходимларни юқори лавозимларга ўтказиш орқали рағбатлантириш мақсадида нафақа ёшига етган ходимлар маълумоти ва мутахассислигига мувофиқ ўз йўналиши бўйича қуйи лавозимга ўтказилганда;

филиал лавозим штатлар жадвали қисқариши муносабати билан ходимга маълумоти ва мутахассислигига мувофиқ ўз йўналиши бўйича бошқа қуйи лавозим таклиф этилганда;

ходим ўз лавозим мажбуриятларини лозим даражада бажара олмаганда.

III. БАНК ТИЗИМИДА ХОДИМЛАР РОТАЦИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

33. Ротация - бу ходимларнинг розилиги билан вақтинча бошқа тенг ёки юқори лавозимга, вақтинча бўш бўлган (асосий ходимнинг бола парваришлаш,

ўқув таътиллари даврига ва ҳ.к) лавозимга ушбу лавозим мажбуриятларини бажариш шарти билан ўтказишдир.

34. Ротациянинг асосий мақсади ходимнинг бошқариш кўникмаларини, вазиятга мослашиш қобилиятини аниқлаш, ишчанлик ва шахсий хислатларини баҳолаш, лавозим ўрнини алмаштириш орқали бошқа таркибий бўлинмалар вазифасини амалиётда ўрганишдан иборат.

35. Қуйидаги ҳолатлар ходимлар ротациясини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади:

амалдаги қонун ҳужжатлари ва Марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрларга асосан ходимлар ротациясини белгиланган тартиб ва муддатларда амалга ошириш;

вақтинча бўш штат бирликларини тўлдириш чораларини кўриш;

кадрлар ва уларнинг захирасини мунтазам равишда янгилаб бориш;

иш самарадорлигини ошириш мақсадида иқтидорли, замонавий иш тажрибасига эга бўлган янги ходимларни жалб қилиш;

ходимлар иш тажрибасини ошириш;

хизмат ва шахсий сифатларини ҳисобга олган ҳолда ходимларнинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш;

ходимлар соғлиғи ҳолатининг ўзгариши, муайян ёшга етиши;

ходимларнинг оилавий шароити;

ўтказилган аттестация Комиссиясининг тегишли қарори;

ходим ёки иш берувчи ташаббуси билан;

амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа ҳолатларда.

36. Ротациянинг даври ходимнинг бевосита раҳбари ва ротацияга юборилган бўлинма (филиал)нинг раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланади.

37. Ходимлар ротациясини бошқариш Ходимлар билан ишлаш хизмати томонидан амалга оширилади.

38. Филиал раҳбарининг тавсиясига кўра ходим эгаллаб турган тенг ёки юқори лавозимга ўтказиш бўйича ротация қилинганда ходимга нисбатан малака талаблари, унинг касбга мувофиқлигини аниқлаш ва баҳо бериш, шунингдек расмийлаштириш ишлари мазкур Низомнинг II бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Филиалда Бош банкнинг ходимни ротация қилиш тўғрисидаги хати (буйруғи), ходимнинг розилик хати олингандан сўнг уни бошқа бўлим (филиал)га вақтинча ўтказиш тўғрисида ички буйруқ чиқарилади.

40. Ходим ротациясининг ижобий натижаларига кўра у раҳбарлик лавозимлари захирасига киритилиши, шунингдек бошқа лавозимга унинг розилигига кўра ўтказилиши мумкин.

41. Банк тизимида конверсион операциялар бўлими ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар, уларни ишга қабул қилиш ва ротациясини амалга ошириш тартиби “Ваколатли банкларнинг конверсион операциялар бўлими ҳамда айирбошлаш шохобчаси ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар, уларни ишга қабул қилиш ва ротацияси регламенти”га (рўйхат рақами: 2415, 2013 йил 25 январь) асосан олиб борилади.

IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

42. Ушбу Низомда назарда тутилган қоидаларнинг тўғри қўлланилиши устидан назорат Ходимлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

43. Мазкур Низом кучга киритилиши муносабати билан Банк Бошқарувининг 2010 йил 11 ноябрдаги 73/2-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ходимларни ишга қабул қилиш, уларни лавозимларга тайинлаш ҳамда ходимлар ротациясини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом ва унга киритилган ўзгартиришлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Киритилди:

Ходимлар билан иш олиб
бориш бошқармаси бошлиғи

Т. Мамаджанов

Келишилди:

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
департаменти директори

О. Вохидов

Юридик бошқарма бошлиғи

Б. Усманов

Банк Касаба уюшмаси
қўмитаси Раиси

Б. Норхужаев

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
 Бошқарувининг
 2016 йил “___” _____даги
 _____сонли қарорига
 2-ИЛОВА

**Бош Банк номенклатураси таркибига кирувчи лавозимларга номзодларнинг
 касбга мувофиқлигини баҳолаш комиссияси
 ТАРКИБИ**

№	Комиссия Раиси	
1.	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори	О. Воҳидов
	Комиссия Раиси ўринбосари	
2.	Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси бошлиғи	Т. Мамаджанов
	Комиссия аъзолари:	
3.	Юридик бошқарма бошлиғи	Б. Усманов
4.	Иқтисодий таҳлил департаменти директори	Б. Рахматов
5.	Кредит операциялари департаменти директори	Ф. Хамидова
6.	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи	Х. Садиков
7.	Номзод йўналиши бўйича масъул таркибий бўлинма раҳбари	_____
	Комиссия котиби Ходимлар билан иш олиб бориш бошқармаси ходими	М. Мадалиева

Изоҳ: Комиссия аъзоси бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахс ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахс киритилади.